

4

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

Қўлёзма ҳуқуқида
ББК:65. 261. 5 (5У)


Арипов Абдулла Нигматович

**Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув
tizimini такомиллаштириш муаммолари**

08.00.05 – "Менежмент" ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И



Тошкент-2004

338.24 (043.3)

AJS

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Менежмент» кафедрасида бажарилган

- Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Т.К.
- Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Ш.Н.
- иқтисод фанлари номзоди, доцент
Зокиров Ф.Т.
- Етакчи ташкилот:** Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация 2004 йил "11" ноябр соат 14-30 да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ака – демияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳу – зуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида та – нишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил "1" ноябр да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент**



Абулқосимов Ҳ.П.

1. DISSERTACIYANING UMUMIY TAVSIFI

Таъқиқот мавзусининг долзарблиги. Маълумки, инсоният аҳо — ротлаштириш соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бо — шидан кечирмоқда, бунинг натижасида эса умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамияти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси не — гизида ахборотни узатиш ва истеъмолчига етказиб беришнинг энг за — монавий ва самарали воситалари дунёга келаётганлиги ташкил этади. Оқибатда XXI аср — ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилди, яъни ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат та — раққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Шу сабабли ҳам ахборот — коммуникация соҳасини жадал суратлар билан ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналиш — ларидан бири ҳисобланади. Чунки бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки аҳо — рот — коммуникациялар ривожининг ҳозирги даврдаги асосий мазмуни шундаки, у мамлакат иқтисодини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш учун ўзига хос етакчи тармоқ ролини ўйнайди. Мамлакат мус — тақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Республика Президенти И.Каримов «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ри — вожи бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз лозим»¹ — деб ёзган эди. Соҳа ривож мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг устувор йўналишла — ридан эканлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунарига бағишланган йиғилишида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.²

Ўзбекистонда ахборот — коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар кўрилмақда. Аммо, бу борада қилинган ишлардан кел — гусида қилиниши керак бўлган ишлар кўлами жуда кенгдир. Жаҳонда ахборот — коммуникация соҳаси ривож жуда тезлик билан рўй бера — ётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат та — раққиётига ўта салбий таъсир этиши мумкин.

Келгусида ахборот — коммуникация тизими ривожини республика иқтисодий тараққиётининг бош йўналишларидан бирига айлантириш учун қуйидаги вазифаларни биринчи галда ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи, соҳа ривож учун қулай бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий му — ҳитни давр талабларига мос равишда шакллантириш, соҳада муқий муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот — коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қўллаб — қувватлашни кучайтириш, ахборот — коммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган фирма ва ком — паниялар фаолиятини рағбатлантириш механизмини шакллантириш, энг асосийси, соҳанинг республикада шаклланаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995 й., 221 — 6.

² «Халқ сўзи», 2004 й. 10 февраль.

йўналишда чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Таби — ийки, бундай сифат ўзгаришлари бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечишга ва шу асосда соҳа самарадорлигини оширишга қаратилган чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ахборот — коммуникация технологияларини ривожлантириш ва соҳани бошқаришнинг назарий ва методологик масалалари бўйича юртимиз ва хориждаги кўпчилик олимларнинг қатор илмий ишлари маълум. Умуман бошқарув ва ахборот — коммуникацияларни бошқаришнинг назарий муаммолари бўйича олиб борилган ишлар орасида П. Адам, И. Ансофф, В. Б. Булгак, У. Викри, Е. В. Демина, Шон О. Доннелл, М. А. Горелик, Л. Клайн, У. Мегинсон, Р. Ньюман, Ф. Пек, Б. Раймундо, Л. Д. Рейман, В. Реймунд, Г. А. Титоренко, Ю. С. Уфимцев, С. М. Фирсова каби чет элик олимларнинг ишларини қайд этиш мумкин. Ахборот — коммуникацияларнинг тараққиёти билан боғлиқ иқтисодий ва соҳавий хусусиятдаги муаммоларни тадқиқ қилган Ватанимиз олимлари орасида С. З. Аванесов, М. А. Бобожонов, А. К. Бедринцев, Т. М. Буткеева, С. С. Фуломов, Ш. Н. Зайнутдинов, Т. К. Иминов, Р. И. Исаев, М. М. Маҳмудов, Д. Н. Раҳимова, К. У. Ўлжабоев, М. Ш. Шариф — хўжаев, Л. И. Шибаршова, С. Қосимов ишларини кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда алоқа ва ахборотлаштиришнинг шиддатли ривожланаётганини ҳамда устувор йўналишга айланаётган — лигини ҳисобга олиб, қайд этиш жоизки, ушбу соҳани бошқаришни такомиллаштиришнинг ҳозирги кундаги муаммолари кам тадқиқ қилинган. Қолаверса, бор адабиётлар ҳам бошқарувнинг тор йўналиш — даги у ёки бу муаммосига бағишланган бўлиб, соҳа бошқаруви муаммоларини мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларга боғлиқ равишда комплекс ҳолда очиб бера олмайди. Ҳолбуки, бундай талабларга жавоб берадиган илмий ишларнинг етарли эмаслиги амалиётда сезилмоқда. Бу муаммоларнинг долзарблиги ва етарли ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишини олиб бориш заруратини тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий ишнинг мақсади Ўзбекистон ахборот — коммуникация соҳасининг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда бозор ислохотлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган илмий — амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгилаб олинган мақсадга мувофиқ равишда тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар қўйилган ва ҳал қилинган:

соҳа ривожланишининг илмий асослари ва қонуниятларини таҳлил қилиш ва шу асосда унинг мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги босқичидаги ўрни ва ролини илмий жиҳатдан асослаш;

соҳа бошқарув тизимининг замонавий тамойилларига ҳамда бошқарувнинг элементлари ва усулларига илмий таъриф бериш, бу категорияларнинг иқтисодий ётади ислох қилиш жараёнида қайта шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиши қонуниятларини очиб бериш ва уларнинг шу кун талабларига мос таснифини ишлаб чиқиш;

замонавий бошқариш тизими самарадорлигини аниқлашнинг илмий — услубий асосларини умумлаштириш;

белгилаб олинган методологик асосда Ўзбекистон ахборот — коммуникация соҳаси бошқарув тизими ҳолатини илмий таҳлил қилиш,

бу тизимнинг иқтисодий самарадорлигига ҳамда унинг амалга ошири — лаётган ислоҳотлар билан ўзаро боғлиқлик даражасига баҳо бериш;

соҳани бошқаришда бозор тамойиллари асосидаги усуллар билан давлат томонидан бошқарув усуллари ўртасидаги ўзаро нисбат ҳолатини таҳлил қилиш, бу нисбатнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ва шу асосда бу икки тур бошқарувнинг ҳозирги шароит учун оқилона бўлган усулларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

соҳа бошқариш тизимини бозор ислоҳотлари талабларига мос ра — вишда эркинлаштириш даражасига баҳо бериш ва уни ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

ахборот — коммуникация соҳасининг бошқарувига оид илғор чет эл тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда мазкур соҳа бошқарув ти — зимини ривожлантиришнинг турли сценарийлари ва вариантларини ишлаб чиқиш;

ахборот — коммуникация соҳасида баҳо, маркетинг ва лицензия сиёсатининг илмий асослари ва амалиётини кенг таҳлил қилиш ва шу асосда бошқарув тизими бу йўналишларини такомиллаштириш ва ри — вожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тағқиқот предмети сифатида республика ахборот — коммуника — ция соҳасининг бозор ислоҳотлари талабларига мос бўлган бошқарув тизими танланган.

Тағқиқот объекти республика ахборот — коммуникация соҳаси — дир. Бу соҳа сўнги йилларда республика иқтисодининг муҳим бўғинига айланмоқда, унинг ривожланиши келгусида иқтисодиёт самарадорли — гини, мамлакат иқтисодий ҳавфсизлиги даражасини ва, қолаверса, халқ фаровонлигининг ўсиш суръатларини кўп жиҳатдан белгилайди.

Тағқиқотнинг назарий ва услубий асоси этиб Республика Пре — зиденти И.А.Каримовнинг ҳамда Ўзбекистонлик ва чет элик иқтисодчи олимларнинг бошқарув назарияси, ахборот — коммуникация соҳасининг ривожланиш қонуниятлари, республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг миллий модели бўйича илгар сурилган илмий қарашлари асос қилиб олинди. Илмий ишда қилинган таҳлил ва ҳисоб — китоблар таққослама — статистик, иқтисодий моделлаштириш, тизимли ёндашув, эксперт баҳо бериш каби иқтисодий услублар асосида бажа — рилди. Шу билан бирга ишда графоаналитик ҳамда бошқарув тизимини ривожлантиришнинг истиқболни белгилаш услубларидан кенг фойда — ланилди. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифларни асослашда республика қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа қонуний — меъёрий ҳужжатлардан, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎЗААА) ҳамда унинг корхоналари бўйича чиқарилган ҳужжатлардан, уларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, халқаро конференциялар, семинарлар, саммитлар материалларидан фойдаланилди.

Тағқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот — коммуникация соҳаси бошқарув тизими республикада амалга ошириляётган бозор ислоҳотлари ҳамда соҳанинг мамлакат иж — тимой — иқтисодий ривожланишидаги устувор ролини ҳисобга олган ҳолда биринчи бор комплекс тарзда таҳлил қилинди;

соҳа бошқарув тизимининг мақсади ва вазифаларига иқтисодийнинг эркинлашуви, бозор ислоҳотлари ҳамда соҳанинг мамлакат иқтисодийтидаги ролининг ошиб бориши талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий таъриф берилди;

соҳа бошқарув тизимининг умумий, ўзига хос ва яқка тартибдаги тамойиллари умумлаштирилган ҳолда ўрганилиб, уларнинг ягона тизим сифатидаги белгилари очиб берилди, шу асосда бошқарув тизимини шакллантириш концепцияси ишлаб чиқилди;

бошқарув тизимининг замонавий усулларига ва элементларига таъриф берилди ҳамда уларнинг бошқарувни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотлари шароитидаги ривожланиш қонуниятлари умумлаштирилиб тегишли таснифи тақлиф этилди;

макроиқтисодий баҳолаш методологиясини қўллаш орқали соҳа бошқарув тизимининг бозор тамойилларига асосланган услублари билан давлат бошқаруви услублари ўртасидаги оқилона нисбатни такомиллаштириш бўйича тегишли амалий тақлифлар киритилди;

соҳанинг замонавий бошқариш тизими самарадорлиги илмий – услубий асослари умумлаштирилди ва шу негизда бошқариш тизими самарадорлиги кўрсаткичлари таснифи тақлиф этилди;

ишлаб чиқилган илмий хулосалар асосида соҳа бошқарув тизими самарадорлиги таҳлил қилинди, бу борадаги мавжуд имкониятлар асосида бошқарувни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди;

илгор чет эл тажрибасини ва республика хусусиятларини ўрганиш асосида соҳа бошқарув тизимини ривожлантиришнинг турли вариантлари сценарийлари ишлаб чиқилди ва бошқарувнинг янги кўринишдаги ташкилий тузилмаси тақлиф этилди;

телекоммуникация соҳасининг универсал хизмат турларига янги илмий таъриф берилди ҳамда бу хизмат турларига оқилона баҳо белгилашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди;

соҳа бошқарув тизими эркинлашуви ва ислоҳ қилиниши шароитида баҳо, маркетинг ва лицензия сиёсати биринчи бор ўзаро боғлиқ ҳолда чуқур таҳлил қилинди ва шу негизда уларни такомиллаштиришнинг илмий асослари ҳамда йўналишлари ишлаб чиқилди.

Таъқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган хулосалар ва тақлифлар соҳа бошқарув тизимини такомиллаштиришда, ахборот – коммуникациялар мажмуини ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли истиқболларини ишлаб чиқишда, бу соҳадаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришнинг аниқ йўналишларини белгилашда кенг қўлланилиши мумкин. Таъқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий ва Молия вазирликлари, шунингдек, ахборот – коммуникациялар соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилотлар томонидан фойдаланилиши мумкин. Илмий иш ўз мазмунига мувофиқ олий таълим тизимида «Менежмент» ва «Иқтисод» йўналишларида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун ҳам қўлланила сифатида фойдалидир.

Таъқиқот натижаларининг синовдан ва муҳокамадан ўтказилганлиги. Диссертацияда илгари сурилган аксарият хулосалардан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, ЎзААА ҳайъати билдиришномалар ва таҳлилий материаллар ҳозирлашда фойдаланилди. Муаллиф 1998

Йилдан ўз хизмат бурчига кўра, республика ахборот – коммуникациялар соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга оид меъёрий – қонуний актлар ва бошқа директив ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок қилди. Ушбу ҳужжатларда мазкур диссертациянинг қатор хулоса ва тақлифлари ўз аксини топган.

Диссертациянинг асосий мазмуни Марказий Осиё ва Каспий минтақасидаги телекоммуникациялар бўйича биринчи халқаро анжуманда (Истамбул, 2002 й., 22–24 май), «Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳоли ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги халқаро семинарда (Тошкент, 2002 й., 26–27 ноябрь), Рақобат сиёсати бўйича халқаро анжуманда (Тошкент, 2003 й. 5–6 июнь), Ахборот ва коммуникация технологиялари бўйича Миллий саммитда (Тошкент, 2003 й. 23–24 сентябрь) ва бошқа қатор илмий – амалий анжуманларда маъруза қилинган ва ижобий баҳо олинган.

Илмий иш натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент иқтисодий университети ва Ўзбекистон миллий университетидаги илмий семинарларда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 4,9 б.т. ни ташкил этган 12 та нашр қилинган ишда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши белгиланган мақсад ва вазифаларини ҳал этишга бўйсундирилган. Иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Шунингдек, унда 17 та жадвал, 7 та расм, 16 та илова ҳам ўрин олган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ахборот – коммуникация соҳасининг республика иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичидаги роли ва аҳамиятини умумиқтисодий нуқтаи – назардан таҳлил қилиш хулосаси шуки, бу соҳанинг бош вазифаси республикада ахборотлашган жамият шаклланиши учун зарур шароит яратишдан иборатдир. Яъни соҳа, Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ўтиш даври иқтисодий тараққиётида ўзига хос етакчи локомотив роляни ўташи лозим³.

Ўзбекистон ахборот – коммуникация соҳаси республика мустақиллиги йилларида ахборот технологиялари ва янги алоқа воситалари конвергенциясини чуқурлаштириш ва бу жабҳага соҳа билан боғлиқ тармоқларни узвий равишда жалб этиш ҳисобига ўз таркибий тузилмасини халқаро стандартлар даражаси томон жиддий равишда такомиллаштириб бормоқда. Олиб борилаётган инвестиция сиёсати оптик толали ва рақамли алоқа тизимларини ривожлантириш, бутун дунё ахборот тармоғи – Интернетга уланиш каби техника тараққиётининг замонавий йўналишларини татбиқ этишга қаратилган бўлиб, соҳада моҳиятига кўра бутунлай янги мазмундаги бозор инфраструктураси шаклланмоқда.

Яқин истиқболда замонавий технологияларни қисқа муддатларда қўллаш ҳамда ахборот – коммуникация хизматларининг юқори даража –

³ «Халқ сўзи», 2004 й. 10 февраль.

даги рақобатбардошлигини таъминлаш соҳанинг бош вазифаси ҳи—собланади. Гап республика иқтисодиётининг самарали ривожланишини ва унинг жаҳон хўжалик ҳамжамиятига жадал қўшилишини таъминлайдиган ахборот—коммуникациялар тизимини яратиш ҳақида бормоқда.

Диссертацияда бу мақсадларга эришиш учун ахборот—коммуникация соҳасини бошқариш тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш бош вазифалардан бири эканлиги асослаб берилган. Ушбу йўналишда соҳа замонавий бошқарув тизимининг та—мойилларига илмий таъриф берилди ва уларни уч гуруҳга бўлиб ўрга—ниш, яъни бошқарувнинг умумий, ўзига хос ва яқка тартибдаги та—мойиллари фарқлаш лозимлиги илмий жиҳатдан асосланди. Шу билан бирга уларнинг ягона тизим сифатидаги белгилари очиб берилди ҳамда бу тамойилларнинг замонавий таснифи ишлаб чиқилди. Бу борада соҳа бошқарув тизимининг умумий тамойиллари Президент И.А.Каримов таърифлаб берган бозор ислохотларининг беш тамойилини ўзда тўла акс эттиради, зеро ахборот—коммуникация тизими мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисмидир. Бошқарувнинг ўзига хос тамой—иллари ҳам алоҳида эътиборга молик. Диссертацияда бу тамойилларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилади: биринчи гуруҳ—умумжаҳон аҳамиятига эга ва иккинчи гуруҳ Ўзбекистоннинг ҳозирги давр ривож учун хос бўлган тамойиллардир. (1—расм).

Соҳа бошқарувини самарали ташкил этиш, ўз навбатида, бу жа—раён элементлари ва усулларининг оқилона тизимини яратишни ва бу тизимни давр талабларига мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бо—ришни тақозо этади. Зеро, бошқарув тамойиллари унинг элементлари ва усуллари орқали ҳаётта татбиқ этилади. Шунини эътиборга олиб диссер—тацияда соҳа бошқарув тизимининг замонавий усулларига ва элемент—ларига таъриф берилди ҳамда уларнинг бошқарувни эркинлаштириш ва бозор ислохотлари шароитидаги ривожланиш қонуниятлари умумлаш—тирилди ҳамда давр талабларига мос таснифи илмий жиҳатдан асос—ланди.

Бошқарув тизими элементлари таснифи белгиларидан бири сифа—тида ахборот—коммуникация соҳасининг ички ва ташқи муҳити тушунчаси киритилди. Ташқи муҳит макро даражада олиб қаралганда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, технологик ҳамда табиий хусусият касб этиб, микродаражада у ахборот—коммуникация хизматлари истеъмол—чилари, соҳа таъминотчилари, шериклар, рақобатчилар, давлат ва ма—ҳаллий бошқарув тузилмаларини ўз ичига олади. Соҳанинг ташқи муҳит билан алоқаси ўзаро уйғунлик ва мослашув тарзида амалга оширилади, яъни бошқарувнинг бу борадаги вазифаси ташқи муҳитнинг соҳага алоқадор ижобий ва салбий ўзгаришларини ўз вақтида англаб олиш ва стратегик бошқарув усулларини қўллаш асосида соҳа барқарорлигини таъминлайдиган чоралар белгилашдан иборатдир.

Соҳа бошқаруви ички элементлари таснифи Ўзбекистонда ахбо—рот—коммуникация тизими ривожига бевосита алоқадор бошқарув элементларини қамраб олади. Бу тасниф асосан ЎзААА мажмуида фао—лият кўрсатаётган ҳамда Республика ҳукумати қарорига кўра ҳар бир вазирлик ва соҳавий бирлашмаларда ташкил этилган ҳамда ахборот

технологияларини ривожлантиришга жавобгар бўлган бўлинмаларни ўз ичига олади.

1 – расм. Ўзбекистон ахборот–коммуникация соҳаси бошқарув тизимининг бозор ислоҳотлари даврига хос тамойиллари таснифи

| Умумий | Глобал хусусиятдаги ўзига хос | Маҳаллий хусусиятдаги ўзига хос | Якка тартибдаги |
|---|---|---|---|
| Иқтисо – диётнинг мафку – радан ҳоли бўлиши. Давлатнинг бош исло – ҳотчи ҳи – собланиши. Қонун – ларнинг устувор – лиги. Фуқаро – ларнинг ижтимоий муҳофа – заси. Бозор му – носабат – ларига ас – та – секин, босқичма – босқич ўтиш | Билим ва ахборот олиш имкониятини таъмин – лаш. Аҳоли учун ахборот – коммуникация соҳаси хизматларидан арзон нархларда кенг фой – даланишга шароит яратиш. Лингвистик хилма – хиллик ва миялий тимсол амал қилиши. Таълим ва билим бе – риб асосида инсон имкониятларини ри – вожлантириш. Юридик – ҳуқуқий, бизнес ва ҳукумат доираларида ахборот – коммуникация муҳи – тини шакллантириш. Ахборот – коммуни – кация соҳасида мах – фийлик ва хавфсиз – ликни таъминлаш. Ахборотлашган жа – миятнинг одоб – ахлоқ (этик) тамойилларига амал қилиш. | Ахборотни эркин олиш ва тарқатиш бора – сида ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш, ахборот ре – сурсларидан эркин фойдаланишни таъмин – лаш. Давлат органлари ахборот тизимини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг соҳавий ва ҳууддий ахборот тизимларини шакланти – риш асосида республикада ягона ахборот маконини шакллантириш. Халқаро ахборот тармоқлари ва бутунжаҳон Интернет тармоғига эркин кириш учун ша – роит яратиш. Давлат ахборот ресурсларини тузиш, ахбо – рот тизимларини яратиш ва ривожлантириш, уларнинг ўзаро мослиги ва ҳамкорлигини таъминлаш. Замонавий алоқа воситалари ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ахборот ресурслари хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга ёрдам бериш. Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш. Ахборот – коммуникация соҳаси учун кадр – лар тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда илмий тадқиқотларни рағбатлантириш. | (айрим корхо – налар, мулк ва хизмат турлари ҳамда мин – тақаларга хос бўл – ган) |

Бошқарув тизими амалиётда оқилона фаолият кўрсатиши учун ташқи ва ички муҳит ўзгаришларига ўз вақтида мослаша оладиган ди – намик ривожланишдаги элементлар мажмуи лозим. Шу асосда диссертацияда соҳа бошқаруви элементларини динамик тарзда шакллантиришнинг умумий қонуниятлари кўрсатиб берилди, бошқарув ташкилий тузилмасининг сўнги ўн йилдаги ўзгариш динамикаси ўрға – нилди ва уни келгусида такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ҳамда янги ташкилий тузилама лойиҳаси таклиф этилди.

Ахборот – коммуникация соҳасини бошқаришнинг қонуният ва тамойиллари унинг тегишли усуллари орқали намоён бўлади. Бу ўринда ушбу соҳа корхоналари ишининг самарадорлиги ва сифати фақатгина уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланганига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки, биринчи навбатда қандай бошқарув усуллардан фойдаланилаёт – ганлигига боғлиқлиги хусусида фикр юритилмоқда. Илмий ишда бошқарув усулларининг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари ҳамда амалий менежментнинг бундай ўзгаришларга мослашуви

масалалари атрофлича тадқиқ қилинди. Диссертациянинг бу борадаги муҳим хусусияти шундаки, унда биринчи бор соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг илмий асослари, ҳозирги даврдаги хусусиятлари кенг ўрганилди ҳамда давлат бошқарув усуллари таснифи давр талабларига мос равишда ишлаб чиқилди.

Диссертацияда тармоқнинг республика иқтисодиётидаги роли ва аҳамияти, соҳани бошқаришнинг замонавий тизими таҳлил қилинди, бошқарувнинг самарадорлиги ва ривожланишнинг мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқлигига баҳо берилди.

Иқтисодий жараёнларни бошқариш назариясида самарадорлик масаласи муҳим ўрин тутишини эътиборга олиб бошқарув тизими самарадорлигининг илмий асослари алоқида таҳлил қилинди ва уни аниқлаш усуллари ва кўрсаткичларининг таснифи асослаб берилди. Мана шу тасниф асосида соҳа бошқарув тизими самарадорлигига мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар талаблари асосида макроиқтисодий жиҳатдан баҳо берилди.

Диссертацияда соҳа бошқарув тизими самарадорлигини аниқлашда бир ёки икки эмас, балки кўрсаткичларнинг кенг кўламдаги тузилама – сиздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди. Шу билан бирга муаллиф таъкидлайдики, соҳа тараққиётининг муайян босқичларида шундай муаммолар, мураккабликлар, тезкорлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар пайдо бўлмоқдаки, уларни ечиш учун бошқарувнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш керак бўлади. Шуларни ҳисобга олган муаллиф бошқарув самарадорлигини баҳолашда доимо бирдай шакланган мезонлар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш етарли натижа бермайди, деб ҳисоблайди. Бу кўрсаткич ва мезонлар роли соҳа ривожининг стратегик ва тактик мақсадлари ўзгаришига мувофиқ вариацияланиши мумкин. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда диссертант соҳа бошқарув тизими самарадорлигини уч гуруҳ кўрсаткичлари орқали ифодалашни тавсия этади. Кўрсаткичларнинг гуруҳланиши ва улар бўйича олинган натижаларнинг бир қисми 1 – ва 2 – жадвалларда акс эттирилган.

1 – жадвал. ЎААА корхоналари фаолиятини тавсифловчи асосий молиявий кўрсаткичлар*

| | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 |
|---|------|-------|-------|-------|-------|
| Айланма маблағларнинг етишмовчилиги ёки ортиқчаллиги (+, -), (млн. сўм) | 3885 | 12463 | 62878 | 60261 | 73917 |
| Абсолют ликвидликлик коэффициенти (минимал норма – 0.2 – 0.25) | 0,56 | 0,44 | 0,56 | 0,82 | 0,55 |
| Соф фойда, (млн. сўм) | 1589 | 2981 | 2598 | 3783 | 3716 |
| Ўзлик ва қарз маблағлари нисбати (2 дан юқори бўлиши керак) | 1,18 | 1,59 | 7,66 | 16,34 | 13,8 |
| Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик даражаси (0.1 дан юқори бўлиши керак) | 0,55 | 0,62 | 0,88 | 0,94 | 0,67 |
| Сотув рентабеллиги (умум. фойда : сотувдан тушум), % | 24,5 | 23,7 | 18,1 | 10,5 | 8,6 |
| Активлар рентабеллиги кўрсаткичи, % | 11 | 14 | 5 | 4 | 4 |
| Ўзлик капитал қайтими, % | 23,6 | 8,7 | 27,0 | 18,9 | 25 |
| Асосий воситаларнинг яроқлилик кўрсаткичи | 0,82 | 0,79 | 0,61 | 0,55 | 0,46 |
| Фондлар қайтими (сотувдан тушум : асосий фондлар) | 0,97 | 1,67 | 1,20 | 1,61 | 1,45 |

*ЎзААА ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Бошқарув самарадорлиги кўрсаткичларининг таҳлили натижалари соҳада бошқарув тизимининг бир қадар самарали эканлигидан дарак беради, чунки улар аксарият ҳолларда ўсмоқда. Шу қатори, тадқиқотлар давомида бу борада ишлатилмай қолган катта имкониятлар борлиги аниқланди ва улардан фойдаланиш йўллари белгилаб берилди.

2 – жадал. Ўзбекистон ахборот–коммуникациялар соҳаси ривожланишининг ҳажмий ва инновацион кўрсаткичлари*

| | 2001 й. | 2003й. | % |
|--|---------|---------|-----------|
| Ҳажмий кўрсаткичлар | | | |
| Асосий телефон аппаратлари, минг дона | 1654,4 | 1662,1 | 100,1 |
| Телефон станцияларининг рақам сифими, минг рақам | 1894,8 | 1916,6 | 101,1 |
| Монтаж қилинган сифимнинг ишлатилиши, % | 85,4 | 87,7 | 103,1 |
| 100 аҳолига асосий телефон аппаратлари сони | 6,65 | 6,79 | 102,1 |
| Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар, млн.та | 155 | 161,5 | 104,2 |
| Капитал қўйилмалар, млн. сўм | 10833 | 18460 | 170,4 |
| Хорижий инвестициялар, млн. долл. | 0,39 | 44,3 | 113 марта |
| Асосий ишлаб чиқариш фондлари, млн. сўм | 126097 | 203613 | 168,2 |
| Алоқа ходимларининг йиллик ўртача сони, минг | 42,6 | 40,8 | 95,7 |
| Инновация кўрсаткичлари | | | |
| Сўзлашувларни вақт бўйича ҳисобга олиш жиҳозлари, минг номер | 647,7 | 749,1 | 115,7 |
| Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналларининг узунлиги, минг канал – км | 8320,1 | 12248,4 | 147,2 |
| Телефон каналларининг умумий узунлигида радиореле орқали ташкил этилган қисми, % | 9 | 28,3 | 314 |
| Телефон каналларининг умумий узунлигида йўлдош алоқаси орқали ташкил этилган қисми, % | 16,9 | 15,3 | 90,5 |
| Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган яқунловчи телефон каналлари сони | 26347 | 35241 | 133,8 |
| Рақамли узатиш тизимлари орқали ташкил этилган яқунловчи телефон каналларининг умумий телефон каналларидаги миқдори, % | 41,8 | 50,9 | 121,8 |
| Шаҳарлараро телефон алоқасини автоматлаштириш даражаси, % | 82,5 | 89,9 | 108,9 |
| Электрон почта хизмати | 1392 | 23804 | 17март |
| Комфакс, Телефакс хизматлари | 3325 | 4187 | 126,9 |
| Маълумотларни узатиш ва интернет тармоғини қўловчи теле – матика хизмати қурилмаларидан фойдаланувчилар сони | 1151 | 30722 | 27март |
| Кўчма мобил алоқа абонентлари сони | 128012 | 325190 | 254,1 |

*УзААА ҳисоблари асосида тайёрланган.

Соҳани давлат томонидан тартибга солиш ўз моҳиятига кўра давлат ахборот–коммуникация сиёсатининг мазмунидан келиб чиқади, яъни соҳани давлат томонидан бошқарув самарадорлиги ушбу сиёсат мақсадларининг амалга ошиш даражасини ифодалайди. Шуни ҳисобга олиб диссертацияда соҳани давлат томонидан тартибга солиниши самарадорлиги, унинг усуллари ва бозор ислохотларига мос равишда такомиллашиб бориш масалалари алоҳида кўриб чиқилди, давлат ахборот–коммуникация сиёсатининг устувор йўналишлари аниқланди ва уларга таъриф берилди.

Бу борадаги хулосалар шундан иборатки, давлат бошқарувининг умумий йўналишлари бўлган бошқарувнинг институционал ҳамда соҳа ривожининг меъёрий–ҳуқуқий асосларини яратиш, ахборот–коммуникация сиёсатининг устувор йўналишларини таъминлаш борасидаги фаолиятини етарли даражада самарали деб ҳисоблаш мумкин. Бу хуло–

сага давлат сиёсати бу йўналишининг ҳозирги ҳолатини, мақсади ва ва — зифаларининг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида келинди.

Республикада қисқа муддатда оптик — толали алоқа линияси, рақамли радио — реле алоқа линияси ва рақамлаштирилган узатиш системаси (SDH) базасида рақамли магистрал тармоқ яратилди. Бунинг натижасида халқаро алоқанинг транспорт тармоғи ташкил қилинди ва унинг улуши алоқа линиялари умумий ҳиссасининг 55,3 фоизига етказилди. Ҳозирги пайтда 28 йўналиш бўйича дунёнинг 180 мамлакатига чиқадиган тўғридан — тўғри алоқа каналлари ташкил қилинган. Рақамли халқаро телефон каналлари улуши 84,7 фоизни ташкил қилади. Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқалари рақамли коммутация жиҳозларининг ўрнатилган сифими 81 минг портдан кўпроқни ташкил этиб, уларнинг 90 фоизи рақамли коммутация тизими портлари ҳисобланади. Республиканинг маҳаллий телефон тармоқларида умумий ўрнатилган сифими 1,9 млн. рақамдан иборат бўлган 2 мингта автомат телефон станциялари фаолият кўрсатмоқда. Ахборот — коммуникация бозорида уяли радиоалоқанинг 7 та оператори ишламоқда, уларнинг абонентлари сони 2004 йил 1 — чораги якунига кўра 355 мингдан ортиқ (2002 йилнинг бошига қараганда 3,6 марта ўсган). Уяли алоқа тармоғи билан, унинг замонавий стандартлари ва технологияларидан фойдаланилган ҳолда, республиканинг 700 дан кўпроқ аҳоли пункти қамраб олинган. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатлари операторлари билан халқаро роуминг амалга оширилмоқда. 2004 йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра республикада халқаро интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 353 мингдан кўпроқ кишига етди, ёки 2003 йилнинг шу пайтига нисбатан 235 фоизга ўсди. Шу кунда интернетдан 4800 га яқин хўжалик субъектлари фойдаланмоқда. Республиканинг 100 фоиз олий ўқув юртлири интернетга кириш имконига эга.

Аммо, бу эришилган ижобий натижаларга қарамай ахборот — коммуникация соҳаси ривожини республиканинг ўсиб бораётган талаблари даражасида эмас. Масалан, телефон аппаратлари зичлиги кўрсаткичи (ҳар 100 кишига ўртача 6,7 та) бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатлари доирасида тузилган «Алоқа соҳасидаги регионал ҳамкорлик» 12 аъзоси ичида охириги ўринни, ҳар бир кишига шаҳарлараро сўзлашувлар сони бўйича 11 — ўринни, почта жўнатмалари бўйича 9 — ўринни эгаллайди. Интернет тизими, IP — телефония, рақамли ва уяли алоқа каби соҳалар ривожини илғор давлатлар даражасига етказиш учун ҳам талай ишларни амалга ошириш даркор. Қолаверса, жамият ахборотлашувининг тобора чуқурлашиб бораётганлиги, унинг барча қатламларининг ахборот — коммуникациялар соҳаси билан кенгроқ қамраб олинаётганлиги ушбу соҳа ривожининг жадал суратларини таъминлашни, унинг бошқарилишини жиддий равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда давлат ахборот — коммуникация сиёсати устувор йўналишларини амалга оширишнинг шу кунда ўта муҳим бўлган қуйидаги вазифалари аниқланди:

— ахборот — коммуникация тизимининг Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари ва тармоқларида устувор ривожини таъминлашга қаратилган инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш. Чунончи: ички ва чөл эл инвестицияларини ҳар томонлама рағбатлантириш; соҳа ривожига йўналиш —

рилган давлат инвестициялаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ахборот—коммуникация технологиялари ва ускуналари яра—тишга қаратилган миллий ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаш бўйича махсус сиёсатни шакллантириш;

— соҳада янги технология ва хизмат турларини тезкорлик билан жорий этишни таъминлашга қодир ягона инновацион ва техникавий сиёсатни ишлаб чиқиш. Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш: келгусида пакетли коммутация негизда тўла сервисли тармоқларга ўтиш; истеъмолчиларга тезкор, самарали ва арзон хизмат тақдим этишни таъминлаш учун оммавий хизмат кўрсатишга мўлжалланган интеллектуал тармоқларни шакллантириш; мобиль алоқа тизимини, шу жумладан унинг учинчи авлодини, тезкорлик билан жорий қилиш; рақамли телевизион ва радиоалоқани кенг жорий этиш; электрон тижорат тизимини ривожлантириш (шу жумладан мультимедиа хизматларига ўтиш);

— ахборот—коммуникация хизматлари бозорини эркинлаштиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш;

— самарали реструктуризация стратегиясини амалга ошириш.

Соҳада бошқаришни эркинлаштириш ва бозор ислохотларини ривожлантириш бошқарув самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Диссертацияда кенг қамровли амалий материаллар негизда ушбу жараённинг қуйидаги асосий йўналишлари тадқиқ қилинди:

А. Республика иқтисодийнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, тармоқда ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан кўрсатиб берилган хусусийлаштиришнинг инвестициявий модели доирасида босқичма—босқич амалга оширилмоқда. Умуман олганда, соҳада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг боришини қониқарли деб баҳолаш мумкин. Бу жараёнда юзга келган йирик муаммолар, ёки умумдават дастуридан четта чиқиш ҳолатлари кузатилмайди (3—жадвал). Диссертацияда ушбу жараёни келгусида янада чуқурлаштириш йўналишлари белгиланди.

3—жадвал. Соҳада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш динамикаси*

| мулк тури | 1995 | 1997 | 1999 | 2001 | 2003 |
|--------------------------------|-----------|------------|------------|------------|------------|
| Давлат корхоналари | 55 | 23 | 22 | 15 | 13 |
| Акциядорлик жамиятлари | 4 | 36 | 38 | 43 | 28 |
| Қўшма корхоналар | 4 | 12 | 12 | 11 | 10 |
| Хусусий корхоналар | 20 | 80 | 64 | 224 | 419 |
| Масъулияти чекланган жамиятлар | — | 1 | 13 | 13 | 11 |
| Мулкчиликнинг бошқа шакллари | — | — | — | — | 4 |
| Жами корхоналар | 83 | 152 | 149 | 306 | 487 |

*Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Б. Соҳада мулкчилик муносабатларини эркинлаштиришнинг асосий йўналишларидан бири—бу кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини рағбатлантириш орқали мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш бўйича устувор вазифаларни амалга оширишдир. Ушбу йўналишнинг ривожланиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади. Биргина 2003 йил давомида кичик ва хусусий бизнес субъектларига сўзлашув пунктларини ташкил

этиш учун 24 та қишлоқ телефон станциялари ва АТСларнинг ҳаракатда бўлмаган 3730 рақами ҳамда 4625 рақамли сўзлашув пунктлари ва так – софолан ижарага берилди, натижада 3731 тадбиркор фаолиятга жалб қилинди. Бунинг ҳисобига 2003 йил 1581 млн. сўмлик қўшимча даромад олинди. Бу 2002 йилга нисбатан 3,1 марта кўпдир. Аммо, бундай ижобий натижаларга қарамай, тармоқда кичик ва хусусий бизнесни ривожлан – тириш ҳозирча паст даражада. Бу бизнес субъектларига молиявий, банк, консалтинг ва сервис хизматлари кўрсатиш масалалари етарли ҳал қилинмаган, уларнинг ривожланиши учун кредит ресурслари мақсадли ажратилмаяпти. Бу субъектларнинг лицензия олиши учун давлат тўло – вининг юқорилиги ва уни олишдаги қийинчиликлар ҳануз сақланиб қолмоқда. Диссертацияда соҳада тадбиркорликни жадал ривожланти – риш, кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун соҳа объектлари жо – зибадорлигини таъминлаш мақсадида қатор тавсиялар тақдим этилди.

В. Бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш соҳада эркинлаштириш ва хусусийлаштиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада бир қатор ишлар қилинган, соҳа корхоналари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасидаги бозор муносабатларини таъминлаб турадиган воситачи корхоналарнинг етарлича тармоқланган турлари фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга бозор инфра тузила – сининг молия секторига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ушбу секторнинг асосий вакиллари ҳисобланган «Алоқабанк» АКБ, Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, «Ўзим – пексаоқа» АЖ ва ихтиссолаштирилган «ALSKOM» суғурта компания – ларининг фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади. Улар мулкчи – ликнинг турли кўринишидаги корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришни қўлаб – қувватлаши, соҳадаги усту – вор аҳамиятта эга лойиҳаларни ҳамда тадқиқот ишларини, почта алоқаси ва телекоммуникация воситаларини техник қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашни молиявий жиҳатдан таъминлаши, соҳанинг чет эл фирмалари билан тўғридан – тўғри алоқаларини ривожлантириш бора – сида етарли фаолият кўрсатиши лозим.

Менежмент умумий тизимида соҳага оид хавфларни бошқариш ва шу йўналишда суғурта муносабатларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Суғурталашдан мақсад эса ахборот хавфсизлигини таъмин – лаш учун шароит яратиш, соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг ишончлилигини ошириш, корхоналар мулки, дастурий материаллари, жиҳозлари ва алоқа операторларини турли ҳавфлардан муҳофаза қилишдир. Шундай бўлсада, соҳада суғурта муносабатлари секинлик билан ривожланмоқда, хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурта бо – зорига жалб қилиниш даражаси 40% дан ошмайди.

Диссертацияда бошқарув тизими эркинлашуви ва ислоҳ қилиниши шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқарувнинг муҳим эле – ментлари ҳисобланган баҳо сиёсати, маркетинг сиёсати ва лицензия сиёсати ўзро боғлиқ ҳолда атрофлича таҳлил қилинди ва шу асосда уларни такомиллаштиришнинг илмий асослари ҳамда йўналишлари ишлаб чиқилди.

Ахборот – коммуникация соҳасининг бошқарув тизимида хизмат турларига оқилона нархларни белгилаш ва тарифларни бозор ислоҳот –

лари талабларига мос равишда эркинлаштириш муҳим ўрин тутади. Аммо соҳада бу борада қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Уларнинг биринчиси телекоммуникация универсал хизматларининг мавжуд қонун ҳужжатларида бир ёқлама талқин қилиниши билан боғлиқ. Жаҳон тажрибасига кўра, тарифларнинг давлат томонидан бошқарилиши икки ҳолатта кўра амалга оширилади:

– хизмат кўрсатиш бозорида монопол операторлар мавжуд бўлиб, улар ўз манқега кўра устама фойда ола бошлаганда уларнинг бундай фойдаси тариф орқали чекланади;

– операторларнинг кўрсатаётган хизматлари ижтимоий ва бюджет сиёсатини амалга ошириш ҳамда соҳада рақобат муҳитини ривожлан – тириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли хизмат кўрсатиш баҳоси тан – нархдан кам бўлган ҳолда операторлар паст тарифларни қўллаш оқибатида зарар кўради ва бу зарар баҳо сиёсати ёрдамида қопланади.

Аммо республика қонун ҳужжатларида ва амалдаги тариф сиёсатида иккинчи ҳолат ҳозиргача ҳисобга олинмайди. Оқибатда оператор қишлоқ аҳолисига ҳамда имтиёзли мижозларга хизмат кўрсатганлиги учун зарар кўрмоқда.

Баҳо сиёсатидаги иккинчи муаммо тарифларни аниқлаш услу – биётидаги камчиликлар билан боғлиқ. Амалда қўлланаётган тарифларни белгилаш услуби жиддий камчиликларга эга ва бозор талабларига жавоб бермайди. Диссертацияда республикада телекоммуникациялар хизматларига чегараланган нархларни шакллантириш (Prise – Cap) услубини босқичма – босқич жорий қилиш тавсия қилинди. Бу услуб ҳозирги пайтда Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган мамлакатларда нархларни тартибга солишнинг устун турувчи шакли ҳисобланади.

Баҳо сиёсатидаги учинчи муаммо тариф белгилашни ташкил қилиш билан боғлиқ. Республикада бу борада ортиқча чеклашлар, тадбирлар ва назорат бўғинлари сақланиб қолмоқда.

Диссертацияда соҳада олиб борилаётган маркетинг сиёсатини ва шу асосда бозор муносабатлари шаклланиши таҳлиliga алоҳида аҳамият берилди. Биринчи бор «Ахборот – коммуникация тизимида маркетингли бошқариш» тушунчасига илмий таъриф берилди, бу тушунчанинг соҳа учун хос бўлган умумий ва специфик хусусиятлари очиб берилди. Тадқиқотлар кўрсатишича, соҳада маркетингни бошқариш тизими сўнги йилларда сезиларли самара бермоқда. Бу соҳа иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиб бораётганида ўз аксини тошган. Шу билан бирга соҳада бу сиёсатни амалга оширишда қатор камчиликлар ва муаммолар мавжудлиги аниқланди. Шулар оқибатида республика ахборот – коммуникация тизими асосий кўрсаткичлар бўйича МДҲ мамлакатлари ўртасида охириги ўринлардан бирини эгаллайди. Баъзи кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари жуда паст. Маркетинг тадқиқотлари учун корхоналар етарли маблағ ажратмайдилар. 4 – жадвалда кўриниб турганидек мобиль алоқа корхоналари бу йўналишга етарли маблағ ажратмоқда, шу сабабли ҳам алоқанинг бу тури бозори тез ва рентабелли ривожланмоқда. Аммо, бу борада анъанавий хизмат турларини таклиф этувчи «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг паст кўрсаткичларини таъкидлаш мумкин. Улар бозоридаги мақсаларини бой бераётганига қарамай, маркетинг ва реклама

мақсадларига ўз рақобатчиларига нисбатан ўнлаб, ҳатто юзлаб марта кам маблағ ажратишади.

4 – жадвал. Алоқа операторларининг маркетинг ва реклама харажатлари*
(яъни даромадига нисбатан фоизларда)

| Компания ва корхоналар | 2000й. | 2001й. | 2002й. | 2003й. |
|--------------------------|--------|--------|--------|--------|
| "Ўзбектелеком" АК | 0,05 | 0,08 | 0,07 | 0,08 |
| "Ўзбекистон почтаси" ДАК | 0,05 | 0,09 | 0,14 | 0,14 |
| "Бузтон" ҚК | 2,6 | 1,4 | 2,2 | 2,1 |
| "ЎзТАК" | 1,0 | 2,6 | 2,5 | 3,0 |
| "Ўздунробита" ҚК | 1,1 | 1,7 | 4,4 | 2,8 |
| "Ўзмаком" ҚК | 6,3 | 3,3 | 3,8 | 2,1 |
| "ДЭУ юнител" | 2,3 | 2,1 | 3,8 | 4,6 |
| "Рубикон" ҚК | 6,0 | 6,6 | 6,0 | 4,7 |
| "Коском" ҚК | 1,7 | 1,5 | 1,4 | 1,7 |
| "Бузтел" | 1,4 | 7,0 | 2,0 | 3,0 |
| "Сарқор телеком" МЧЖ | 0,8 | 3,9 | 2,5 | 2,5 |
| "Найтов" ҚК | 0 | 0 | 7,0 | 5,0 |

*Ўзбекистон алоқа операторлари ҳисоботлари асосида тайёрланган.

Соҳа корхоналари маркетинг фаолияти аҳволини таҳлил этиш бир қатор типик камчиликларни аниқлашга, шунингдек, тезда ҳал қилиниши талаб этилаётган муаммоларни таърифлашга имкон берди:

– корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларининг катта қисми маркетинг ролини етарли англаб олган эмас, маркетинг фаолияти фақат маркетинг бўлимига тегишли эканлиги ҳақида нотўғри фикр мавжуд, ходимларни маркетинг масалаларига ўқитишнинг аҳволи қониқарли эмас, бу борада ривожланган давлатлар мутахассислари билан тажриба алмашишга етарли эътибор берилмайди;

– инвестицияларга бўлган эҳтиёжлар, соҳани ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар маркетинг тадқиқотлари билан етарли таъминланмаётгани, маркетинг тадқиқотлари натижалари бизнес – режалар тузишда айтарли ҳисобга олинмайди;

– баъзи корхоналарда мижозларнинг хизмат турларига муносабатини, уларнинг сифатини, хизмат кўрсатиш маданиятини таҳлил этиш эпизодик хусусиятга эга, истеъмолчилар билан ишлашни такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилмайдди.

Ахборот – коммуникациялар хизматини лицензиялаш жараёнини эркинлаштириш ва ривожлантириш соҳа бошқарувини такомил – лаштиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Муаллифнинг таърифида, Ўзбекистонда ахборот – коммуникациялар хизматини тақдим этишни давлат томонидан лицензиялашнинг мақсади зарур ривожланиш қувватига ва сифатли хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган илгор корхоналар ва бошқа субъектларни мамлакатнинг ахборот – коммуникациялар бозорига олиб чиқиш ҳисобига халқ хўжалиги ва аҳолининг юқори сифатли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Тадқиқот давомида соҳада лицензиялашни ташкил қилишга хос бўлган айрим муаммо ва камчиликлар аниқланди. Улар ушбу жараёни ташкиллаштиришнинг тадбирий масалалари, лицензия даъвогарлари фаолиятининг методологик нотўғри таснифланиши, шунингдек лицензия учун давлат тўлови ҳажмини белгилаш билан алоқадордир.

Ривожланган бозор муносабатларига эришиш йўлида хўжалик субъектлари фаолиятига давлатнинг аралашувини секин – аста ка –

майтириб бориш тамойилнинг амал қилиши лицензиялашни чеклаб боришни ва шировада нагжада лицензия муносабатларининг мақбул ҳисобланган энг кам тартибга солиш даражасига эришмоқни тақозо қилади. Шу билан бирга, муаллиф ахборот—коммуникациялар соҳасида лицензияладан бозор усуллари орқали тартибга солишга ўтиш босқичма—босқич олиб борилиши, бу, аввало, ўз хусусиятига кўра, бозор усуллари энг яқин бўлган тартибга солиш усуллари қўллаш йўли билан амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайди. Шу маънода, ахборот—коммуникациялар соҳаси шароитида хоржий мамлакатлар амалиётида кенг қўлланилаётган муқобил лицензиялаш усуллари кўриб чиқиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Диссертант фикрига кўра, Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги шароитида булар орасида энг илгор ва энг мақбул ахборот—коммуникациялар бозори иштирокчилари жавобгарлигини муқобил суғурталаш ҳисобланади.

3. ХУЛОСА

1. Ахборот—коммуникация соҳасининг шу кундаги бош вазифаси республикада ахборотлашган жамият шаклланиши учун зарур шароит яратишдан иборатдир. Соҳанинг истиқболдаги ривож мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ахборот—коммуникацияларнинг умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамятга уйғулашуви умумий қонуниятларининг амал қилиш тенденциялари билан характерланади.

2. Соҳа замонавий бошқарув тизимининг тамойилларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш, яъни умумий, ўзига хос ва яқка тартибдаги тамойилларни фарқлаш лозим. Соҳа бошқарувини самарали ташкил этиш ўз навбатида бу жараён элементлари оқилона тизимини яратишни ва бу тизимни давр талабларига мос равишда узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо этади.

3. Соҳа бошқарув тизими самарадорлигини қуйидаги уч гуруҳ кўрсаткичлари орқали ифодалаш тавсия этилади: соҳанинг ривожланиш динамикасини тавсифловчи ҳажмий кўрсаткичлар; соҳа ривож учун мутлақо зарур саналган ҳамда тармоқ самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашга имкон берувчи инновацион кўрсаткичлар; бошқарилаётган объект ишнинг иқтисодий барқарорлиги ва яқиний самарадорлигини тавсифловчи молиявий кўрсаткичлар.

4. Давлат ахборот—коммуникация сиёсатининг ҳозирги давр учун қуйидаги йўналишлари жуда муҳим ва устувор ҳисобланади: давлат томонидан соҳа бошқарувининг институционал асосларини шакллантириш ҳамда ахборот—коммуникация тизимини ривожлантиришнинг меъёрий—ҳуқуқий базасини такомиллаштириш; интернет тармоғи миллий сегменти ва соҳа инфратузилмасини ривожлантириш; ахборот—коммуникация технологияларини давлат бошқаруви ва хўжалик субъектларига, таълим тизимига, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларга жорий қилиш; соҳа учун малакали ва етуқ кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, аҳолининг компьютер ва ахборот саводхонлигини ошириш ва бошқалар.

5. Соҳада нархларни белгилаш ва тариф сиёсатида айрим муаммолар мавжуд. Уларни ечиш қуйидагиларни тақозо этади:

а) оператор учун рентабелли ва норентабелли ёки зарарли универсал хизмат турларини фарқлашни жорий этиш ва норентабелли хизматни қонун жиҳатидан расмийлаштириб қўйиш; норентабелли универсал хизмат турларидан келадиган зарарни қоплаш механизмини ишлаб чиқиш ва бундай қоплаш манбасини аниқлаш; норентабелли универсал хизмат турларини таклиф этувчи операторни белгилаш ва унга бу борада тегишли лицензия бериш; қонунда белгиланган универсал хизмат турлари рўйхатидан халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувларни чиқариб ташлаш;

б) республикада телекоммуникациялар хизматларига чегараланган нархларни шакллантириш (Prise—Cap) услубини босқичма—босқич жорий қилиш;

в) тарифлари Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган уни—версал хизматлар сонини аста—секин камайтириб бориш ва бу рўйхатда асосан ижтимоий ва бюджет сиёсати билан боғлиқ хизматларни қолдириш; тариф белгилашда давлат регулятори бўлган ЎзААА ролини кескин ошириш ва Молия вазирлигини бу вазифадан озод қилиш; мавжуд тарифлар миқдорини операторлар молиявий ҳолати, чет эл кредитларини қоплаш зарурияти ва алоқа воситаларини зудлик билан қайта техник жиҳозлаш заруриятини ҳисобга олган ҳолда ошириш; операторларнинг имтиёзли хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш ҳамда тариф белгилашда «кесишган субсидиялаш» тамойилидан воз кечишга эришиш.

6. Соҳада маркетингли бошқарувни келгуси такомиллаштириш борасида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:

— корхоналарда маркетинг бўлиналарининг роли кескин оши—рилиши, улар маркетинг бошқарувининг асосий тузилмавий—вазифавий бўғинига айланиши ва шу асосда бошқарув аппарати ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг биргаликдаги қаракатини таъминлашга эришиш;

— корхоналар хизмат кўрсатиш—тижорат фаолиятини узоқ муддатли ва тезкор режалаштириш, экспорт дастурини, тармоқларни ривожлантириш ва замонавийлаштириш лойиҳаларини тузиш, корхона жамоасининг илмий—техник, технологик, инвестиция ва иқтисодий фаолиятларини ташкил этиш борасида маркетинг тадқиқотидан фойдаланишни таъминловчи механизмни яратиш;

— ходимлар ўртасида маркетинг борасидаги лавозим вазифаларини аниқ тақсимлаб чиқиш асосида маркетинг хизматлари вазифавий—ташкилый тузилмасини такомиллаштириш, ваколатларни қуйига ўтказиш муаммоси юқори раҳбариятнинг тактик вазифалар билан ўта машғул бўлиб қолишини келтириб чиқармаслигига эришиш;

— маркетингнинг илмий асосланган технологияларини кенг жорий этиш.

7. Ахборот—коммуникация хизматларини лицензиялаш бўйича мавжуд тартибни тезда қайта тузиш талаб қилинади, бундай қайта тузиш усуллари ахборот—коммуникациялар хизматлари бозорини эркинлаш—тириш босқичларига боғлиқ равишда табақалаштирилиши лозим. Лицензиялаш механизмини такомиллаштириш учун лицензияларни умумий ва яқка тартибли қисмларга ажратиш,

шунингдек, уларни хизмат шакллари, алоқа стандартлари, мажмуавийлик белгиларига кўра, жуғрофий ва вақт белгилари бўйича турларга бўлиш мақсада мувофиқдир.

Диссертациянинг асосий мазмуни нашр қилинган қуйидаги ишларда ўз аксини топган:

1. Арипов А.Н. Современные тенденции развития телекоммуникаций / «Ўзбекистон иқтисодиёти: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш», Халқаро конференция мат-ри, Т.,ТДИУ, 22-23 октябр 2002й., 109-6.
2. Арипов А.Н. Состояние и перспективы развития телекоммуникаций в Республике Узбекистан. // Ж. «Экономический вестник Узбекистана», №6. 2003г., с.28.
3. Арипов А.Н. Тенденции развития телекоммуникаций в Республике Узбекистан. // Журн. М., «Электросвязь», №8, 2003г., с. 4.
4. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Состояние и перспективы развития сферы телекоммуникаций республики Узбекистан. // Мат-лы «1-ой международной конференции по телекоммуникациям Центральной Азии и Каспийского региона». Истамбул, Туркия 22-24май 2002г., с.401.
5. Арипов А.Н., Иминов Т.К., Безбородов А.Г. Проблемы управления качеством информационных услуг в условиях углубления экономических реформ. // «Ўзбекистон иқтисодиёти: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш», Халқаро конференция мат-ри, Т., ТДИУ, 22-23 октябр 2002й., 104-6.
6. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Инвестиционная политика развития телекоммуникаций. // «Масофали ўқитиш техника и технологияси», Халқаро конференция мат-ри, Т., ТИТУ, 13-14 май 2002й., 82-6.
7. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Совершенствование ценообразования на услуги телекоммуникаций. // «Ўзбекистон иқтисодиёти: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш», Халқаро конференция мат-ри. Т., ТДИУ, 22-23 октябр 2002й., 3-6.
8. Арипов А.Н., Махмудов М.М. Ценовая политика и методология формирования тарифов на услуги телекоммуникаций. // Ж. «Экономический вестник Узбекистана», 2003г., №6, с. 36.
9. Арипов А.Н., Мирзахидов Х.М. Совершенствование организации системы управления маркетингом услуг телекоммуникаций. // Ж., «Экономический вестник Узбекистана», 2003г., № 8-9, с. 49.
- 10 Арипов А.Н., Содиков С.И. Анализ времени восстановления отказа процессора ЭВМ. // Материалы Республиканской научно-технической конференции «Методы управления технической диагностикой и восстановлением работоспособности элементов сетей связи» Ташкентский электротехнический институт связи, 7-9 апреля 1988г., с.47.
- 11 Арипов А.Н. В фокусе правительства (Горизонты Узбекской почты) // М., Ж., «Почтовая связь. Техника и технология», 2004, №1, с.2.
- 12 Aripov A.N., Iminov T.K. The state and prospects of the development of telecommunications sphere of the Republic of Uzbekistan. // 1-st International Caspian and Central Asian telecoms conferens. Istanbul, Turkey, 2002, 22-24 may, p.261.

Таққикотчи:



**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
А.Н.Ариповнинг 08.00.05–"Менеджмент" ихтисослиги бўйича
«Ахборот–коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини
такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги диссертациясининг
қисқача мазмуни**

Кадитлаи сўзлар: ахборот–коммуникация соҳаси, давлат ахборот–коммуникация сиёсати, бошқарув тизими тамойиллари ва элементлари, бошқариш усуллари, халқаро интернет тизими, бошқариш ташкилий тузилмаси, бошқаришни эркинлаштириш, тариф сиёсати, маркетинг, лицензиялаш.

Тадақиқот объектлари: Республика ахборот–коммуникация соҳа–сининг бошқарув жараёни.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон ахборот–коммуникация соҳасининг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда бозор ислоҳотлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган илмий–амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадақиқот методлари: илмий изланишлар давомида иқтисодий, мантиқий, илмий тавсифлаш, статистик таҳлил, ўзаро таққослаш, де–дукция ва индукция каби усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- соҳа бошқарув тизимининг мақсади ва вазифаларига иқтисодийнинг эркинлашуви, бозор ислоҳотлари ҳамда соҳанинг мам–лакат иқтисодийтидаги ролининг ошиб бориши талабларини ҳисобга олган қолда илмий таъриф берилди;
- соҳа бошқарув тизимининг замонавий тамойиллари, усуллари ва элементларининг ягона тизим сифатидаги белгилари очиб берилди, уларнинг бозор ислоҳотлари шароитидаги ривожланиш ҳонуниятлари умумлаштирилиб, тегишли таснифи тақлиф этилди;
- бошқарувнинг бозор тамойилларига асосланган услублари билан давлат бошқаруви услублари ўртасидаги оқилона нисбатни мак–роиқтисодий баҳолаш методологиясини қўллаш орқали тегишли амалий тақлифлар киритилди;
- соҳанинг замонавий бошқарув тизими самарадорлиги илмий–ус–лубий асослари умумлаштирилди ва шу негизда самарадорлик кўрсат–кичлари таснифи тақлиф этилди, бу борадаги мавжуд резервлар асосида бошқарувни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилди;
- илгор чет эл тажрибасини ва Республика хусусиятларини ўрганиш асосида соҳа бошқарув тизимини ривожлантиришнинг турли ва–риантдаги сценарийлари ишлаб чиқилди ва соҳа бошқарувининг янги кўринишдаги ташкилий тузилмаси тақлиф этилди;
- телекоммуникация соҳасининг универсал хизмат турларига янги илмий таъриф берилди ҳамда бу хизмат турларига оқилона баҳо бел–гиланиннг илмий асослари ишлаб чиқилди;
- соҳада баҳо, маркетинг ва лицензия сиёсати биринчи бор ўзаро боғлиқ қолда чуқур таҳлил қилинди ва шу негизда уларни тако–миллаштиришнинг илмий асослари ҳамда йўналишлари ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва так – лифлар соҳа бошқарув тизимини такомиллаштиришда, ахборот – коммуникациялар мажмуини ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли истиқболларини ишлаб чиқишда, бу соҳадаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришнинг аниқ йўналишларини белгилашда кенг қўлланилиши мумкин. Илмий иш ўз мазмунига мувофиқ олий таълим тизимида «Менежмент» ва «Иқтисод» йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун ҳам муҳим қўлланма сифатида фойдали.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Муаллиф – нинг ахборот ва телекоммуникация тизимларида бошқарувни такомил – лаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикасининг «2002 – 2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривож – лантириш дастури»ни ҳамда ушбу дастурдан келиб чиқиб, 2002 – 2004 йиллар давомида «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон хуж – жат айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида» ва «Ахбо – ротлаштириш тўғрисида» каби Қонунларини тайёрлашда фойдаланилган.

Қўлланиш соҳаси: ЎзААА соҳаси бошқарув тизимини такомил – лаштиришда ва ушбу йўналиш бўйича қонуний – меъёрий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Арпиева А.Н. на тему «Проблемы совершенствования системы управления в сфере информатизации и коммуникаций» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05 – Менеджмент

Ключевые слова: сфера инфокоммуникаций, государственная политика в области инфокоммуникаций, принципы, методы и элементы управления, международная сеть Интернет, организационная структура управления, либерализация управления, тарифная, маркетинговая и лицензионная политика в сфере инфокоммуникаций.

Объекты исследования: система управления сферы инфокоммуникаций Узбекистана.

Цель работы: Разработка научно-обоснованных рекомендаций по совершенствованию управления сферой инфокоммуникаций Узбекистана в условиях их приоритетного и опережающего развития.

Методы исследования: Анализ и расчеты выполнены на основе экономико-статистических методов, а также с помощью эконометрического моделирования. В работе широко использованы графоаналитические приемы и методы прогнозирования развития систем управления.

Полученные результаты и их новизна:

- дано научное определение современной системе управления сферой, сформулированы ее цель и задачи с учетом требований либерализации экономики;
- обобщены и представлены в единой системе общие, особенные и единичные принципы развития сферы инфокоммуникаций, разработана концепция формирования целостной системы управления сферой, дана характеристика его современным методам и элементам, сформулированы закономерности их развития в условиях либерализации управления сферой;
- сформулирована методология макроэкономической оценки эффективности системы управления сферой и определения рациональных соотношений рыночных

методов управления и методов государственного регулирования сферой, на основе разработанных научных положений проведен комплексный анализ результативности управления сферой, выявлены резервы и намечены пути его улучшения;

- на основе изучения прогрессивного зарубежного опыта управления выполнены вариантные расчеты прогноза сценарного развития систем управления сферой инфокоммуникаций с учетом ее приоритетного опережающего развития;

- дано новое научное определение универсальным услугам и сформулированы научные основы выбора рациональных методов определения тарифов на эти услуги;

- сформулированы научные положения совершенствования тарифной, маркетинговой и лицензионной политики в сфере в условиях либерализации и реформирования экономики и на этой основе определены меры и основные направления совершенствования системы управления сферой инфокоммуникаций.

Практическая значимость: определяется возможностью использования рекомендаций и предложений, направленных на эффективное управление развитием сферы инфокоммуникаций, с целью повышения ее роли в функционировании экономики, в разработке долгосрочных и среднесрочных программ развития комплекса инфокоммуникаций при макроэкономическом и отраслевом прогнозировании, в формировании конкретных направлений либерализации экономических отношений в этой сфере. По содержанию работа может быть использована в процессе подготовки кадров по специальностям «Менеджмент» и «Экономика».

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты исследования использованы при подготовке научных докладов на международных выставках, саммитах, конференциях и семинарах как в Узбекистане, так и за рубежом, а также при подготовке докладов и аналитических материалов Правительству Республики Узбекистан, Коллегии УзААА.

Область применения: Результаты исследования могут быть использованы при совершенствовании системы управления в отрасли УзАСИ и при подготовке законодательно-нормативных актов в этом направлении.

RESUME

Of the dissertation on the theme:

«Problems of perfection of management systems in sphere of information and communications» on a speciality 08.00.05. "Management" written by Aripov A.N. for doctor's degree in economic sciences

Key words: sphere of info communication, state policy in the area of info communication, principles, methods and elements of management, international network Internet, organizational structure of management, liberalization of management, price, marketing and license policy in the sphere of info communication.

The object of the research: control system of sphere of infocommunication in Uzbekistan.

Target of research work: the development of scientific – reasonable recommendations for perfection of management in the sphere of info communications of Uzbekistan in conditions of its priority and outstripping development.

Methods of research: in the research work there were used economic, logic, statistic analysis, scientific discriptive, comparative, deductive and inductive methods.

The scientific novelty and essential results of research:

□ Given scientific definition to a modern system of control in sphere, formulated its aim and tasks taking into consideration the requirements of liberalization of economy;

□ The common, especial and individual principles of development of sphere of info communication are generalized and submitted in idle system, the concept of formation of unique control system of sphere is developed, the characteristic to its modern methods and elements is given, the rules of its development in conditions of liberalization of management in the sphere are formulated;

□ The methodology of macroeconomic evaluation of a system effectiveness of management in the sphere and definition of rational interrelation of market methods of management and methods of state regulation in the sphere is formulated, on the basis of the developed scientific situations the complex analysis of productivity of management in the sphere is carried out, the reserves are revealed and the ways of its improvement are planned;

□ On the basis of study of progressive foreign experience of management the alternative estimation of the forecast scenario of development of control systems in the sphere of info communication are made taking into consideration its priority outstripping development;

□ Given new scientific definition to universal services and the scientific bases of a choice of rational methods of definition of the prices on these services are formulated;

□ The scientific situations of price perfection, marketing and license policy in the sphere in conditions of liberalization and economy reformations are formulated and on this basis the measures and basic directions in perfection of control system of sphere of info communication are determined.

Practical significance: is determined by the opportunity to use the recommendations and offers directed on effective management by development of sphere of info communication, with the purpose of increase of its role in functioning economy, in development of the long-term and intermediate term programs of development of a complex info communication at macroeconomic and branch forecasting, in formation of concrete directions of liberalization of the economic relations in this sphere. The work can be used in training of personnel specialized on «Management» and «Economy».

Level of implementation and economic efficiency: The author's recommendations on the development of the management system in the sphere of informatization and telecommunication are used in formation of "The programme of development of computerization and information technology in 2002–2010 years", in the rules of the Republic of Uzbekistan on "Digital signature", "Digital documents circulation", "E-commerce" and on "Informatization".

Sphere of application: The results of research work can be used in development of the management system in the sphere of communication and informatization of Uzbekistan and in preparation of juridical standards in this sphere.

Босишга руҳсат этилди 08.09.2004. Ҳажми 1,2 б.т.
Бичими 60x84 1/16 Адади 100 дона Буюртма № 14/7

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат
ва жамият қурилиши академиясининг “Академхизмат”
босмахонасида босилди.
700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.